



ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМИЙ МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ – МУРОБАҲ ВА МУЗОРАБАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Додиева Умида Фозил кизи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академиясининг “Банк иши ва аудити”
мутахассислиги бўйича магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада ислом молияси хизматларидан муробаҳа ва музорабани моҳияти ва аҳамияти, уни Ўзбекистонда жорий этиш ҳолати таҳлил қилинган ва ушбу жараёндаги муаммолар аниқланган. Шунингдек, мамлакатимизда муробаҳа ва музорабани жорий этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Исломий молия, исломий банк, шариат қоидалари, муробаҳа, музораба, иқтисодий барқарорлик, молиявий саводхонлик.

Аннотация: В данной статье анализируются сущность и значение исламских финансовых услуг, таких как мурабаха и музараба, состояние их внедрения в Узбекистане, а также выявляются проблемы в этом процессе. Также разработаны научные предложения и практические рекомендации по внедрению мурабаха и музараба в нашей стране.

Ключевые слова: исламские финансы, исламский банкинг, правила шариата, мурабаха, музараба, экономическая стабильность, финансовая грамотность.

Abstract: This article analyzes the essence and importance of Islamic financial services, murabaha and muzarabah, the state of their implementation in Uzbekistan, and



identifies problems in this process. Also, scientific proposals and practical recommendations for the implementation of murabaha and muzarabah in our country have been developed.

Key words: Islamic finance, Islamic banking, Sharia rules, murabaha, muzarabah, economic stability, financial literacy.

КИРИШ

Охирги йилларда ислом молиясига нафақат мусулмон давлатларида, балки аҳолини кўпчилиги бошқа динга эътиқод қиладиган давлатларда ҳам қизиқиш кўпаймоқда. Бугунги кунга келиб Буюк Британияда 20 дан ортиқ банк-молия муассасалари ислом дини талаблари доирасида мусулмонларга хизмат кўрсатмоқда. Ваҳоланки, мусулмонлар мамлакат аҳолисининг 5%ни ҳам ташкил қилмайди. Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Дэвид Камерон, “Аллақачон, Лондон ислом дунёсидан ташқаридаги энг йирик ислом молия марказига айланган. Бугун бизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз – ушбу соҳада яна олдинга интилишдир. Мен Лондонни фақатгина ғарб дунёси ислом молия маркази сифатида эмас, балки Дубай билан ёнма-ён, дунё ислом молия маркази сифатида кўришни хоҳлайман” деган. Ислом молиясига бундай қизиқишга сабаб ислом молияси муассасалари молиявий барқарор бўлиб, ҳаттоки, инқироз даврларида ҳам уларда ривожланиш бўлди. Улар мижозлар билан рискларни бўлишади, молиявий активлари реал иқтисодиёт билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 93% ортиғи мусулмон бўлиб, улар эътиқоди туфайли ислом молияси хизматларидан фойдаланишни хоҳлайди. Ислом молияси шерикчиликка асосланган молиявий хизматларни кўрсатиши туфайли, ундан фойдаланувчилар қийин молиявий аҳволга тушиб қолмайди. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ривожланиш дастури ўтказган тадқиқотда республикадаги 38%



хусусий тадбиркорлар ва 56% фоиз жисмоний шахслар эътиқодига кўра анъанавий банклар кредитларидан фойдаланмаслиги аниқланган. Шунингдек, мамлакатимизда ислом банклари ёки ислом дарчалари очилса, 61% хусусий тадбиркорлар ва 75% фоиз жисмоний шахслар улар билан ишлашга тайёрлигини айтишган (UNDP, 2020).

Шунингдек, республикаимизда ислом молиясининг ривожланиши молия бозорида муқобил молия институтлари ва улар кўрсатадиган хизматлар вужудга келтиради. Натижада миждозлар учун рақобатни кучайиб, молиявий хизматлари сифати ошади ва энг муҳими аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий маблағларга бўлган талаби тўлиқроқ қондирилади. Шунинг учун ҳам давлатимиз Президенти "мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди" (Мурожаатнома, 2020).

Мамлакатимизда ислом молия муассасалари тузилиши билан улар барча исломий молия хизматларини бирданига йўлга қўя олмайдилар. Аҳолини камбағалликдан чиқариш ва иш билан таъминлаш учун уларга тадбиркорликни бошлашлари учун молиявий имконият яратиш лозим. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун исломий молия хизматларидан муробаҳа ва музорабани фаол жорий қилиш лозим. Бу эса мазкур масалани ижобий ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар олиб боришни, унда исломий молиявий хизматлардан муробаҳа ва музорабани мамлакатимизда жорий қилиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Мамлакатимизда исломий молия хизматлари – муробаҳа ва музорабани жорий қилиш ва энг муҳим ушбу жараёнда хатоликларга йўл қўймаслик муҳимдир. Чунки аҳолимиз, тадбиркорлар ва ҳукуматимиз олдида ислом молиясининг афзалликларини намоён қилишимиз лозим. Бунинг учун ислом молиясини, унинг маҳсулотлари бўлган муробаҳа ва музорабага доир назарий билимлар ва тадқиқотларни ўрганиб



чиқиш лозим. Шундагина ушбу исломий хизматларни мамлакатимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш бўйича услубий асослар яратиш мумкин бўлади. Бу эса, республикасида муробаҳа ва музорабани самарали жорий қилиш имкониятини беради.

Бутун дунёда ислом молиясига доир масалаларда машҳур олим Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий қарашлари ўрганилади, фикрларига эътибор бериледи. Биз ҳам илмий тадқиқотимизда дастлаб ушбу олимнинг илмий қарашларига муурожаат қилиш муҳим деб топдик.

Муҳаммад Тақий Усманий фикрига кўра, шариат бўйича молиялаштиришнинг энг мукамал инструментлари мушорака ва музораба ҳисобланади. Сармоядорнинг бу икки инструмент орқали киритган сармояси доимо ички фойдалилик хусусияти мавжуд реал активлар шаклига айланади. Фойда эса ушбу яратилган реал активлар тижоратидан қўлга киритилади (Усманий, 2023). Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам ислом банк хизматларидан мушорака ва музорабани фаол жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Аммо аҳоли ва тадбиркорларга ислом молиясига тез кўникма ҳосил қилиш учун аввал мууробаҳани, кейин эса музораба ва мушоракани жорий қилиш лозим.

Ислом молияси бўйича Қозоғистонлик таниқли мутахассис Е.Байдаулет мууробаҳа бўйича ўз фикрини қуйидагича изҳор қилади: одатда, битимларнинг бундай шакли савдо амалиётларини молиялаштиришда қўлланилади. Мууробаҳа, шунингдек, истеъмол кредитига ўхшаш бўлган шахсий харидларни молиялаштириш мақсадларида ҳам ишлатилиши мумкин. Мууробаҳанинг анъанавий кредитлашдан асосий фарқи шундаки, молиявий воситачи қайта сотиладиган мулкдан келиб чиқувчи барча хатарлар ила унинг тўлақонли эгаси бўлиши шарт ҳисобланади (Байдаулет, 2019). Демак, мамлакатимизда мууробаҳани жорий этилиши савдо амалиётларини ривожланишига турки бўлади. Шунингдек, аҳолининг шахсий



истеъмоли учун товарлар харидини молиялаштириб, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга кўмаклашади.

Музораба шартномаси билан икки тарафнинг, сармоя эгаси ва ишчининг манфаатлари юзага чиқади. Биринчи тарафнинг сармояси бўлса-да, лекин у билан тижорат қилишда вақти ёки тажрибаси бўлмайди. Иккинчи тарафнинг эса тижорий ишларида билими бўлади-ю, лекин ушбу билимни амалда қўллаш учун баъзан маблағи бўлмайди (Каттаев, 2019). Ушбу исломий молия хизматини мамлакатимизда жорий қилиш ва уни ривожлантириш муҳимдир. Чунки аҳолининг кўпчилиги тадбиркорлик билан шуғулланиши учун билим ва малакага эга бўлса ҳам уларга молиявий маблағлар етишмайди. Музораба ушбу муаммони ҳал қилиб, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотни амалга оширишда таҳлил ва синтез, умумлаштириш, абстракт-мантикий ва танқидий фикрлаш, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган. Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимларининг илмий изланишлари тадқиқотнинг услубий асоси бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот учун маълумотлар манбалари сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва молиявий хизматлар кўрсатадиган молия институтлари, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳисоботлари ва тадқиқотларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Муробаҳа асосан савдо келишуви бўлиб, у молия муассасаси томонидан товарларни олиш ва кейинча миқдорга қўшимча фойда билан сотиш тамойилига асосланади. Муробаҳада молия муассасаси маҳсулотнинг харид нарҳини, қилинган харажатларни ва унинг устига ўзи қўйган устамани (фойдани) харидорга маълум қилади. Молия муассасаси маҳсулотни харидорга етказиши билан боғлиқ барча харажатлар маҳсулотнинг таннарҳига қўшилади ва ҳосил бўлган нарҳга устама



белгиланади. Муробаҳа банк ёки бошқа молиявий воситачи мижоз учун зарур бўлган активни сотувчидан сотиб олиши ва уни мижозга тўлов муддатини узайтириш йўли билан сотишини ўзида акс эттиради.

Музораба эса фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган улушли молиявий восита ҳисобланади. Музораба икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида бизнес ёки савдо юритишдаги шерикчиликни ўзида акс эттиради. Бу ерда бир томон (рабб ал-мол) маблағларни беради, бошқа томон (музориб) эса инвесторнинг капиталини бошқариш учун ўз билим ва тажрибаси билан иштирок этади. Инвестор бизнесни юритиш жараёнига жалб этилмайди ва келишилган муддат якунида тадбиркор инвесторга асосий киритилган миқдор ва унинг фойдадаги улушини қайтариши лозим

Ўзбекистонда муробаҳа ва музорабанинг ривожланиши исломий молия институтларини ривожлантириш ва аҳоли ва тадбиркорларга янги иқтисодий имкониятларни очиб бериш йўлида катта қадам бўлиши мумкин. Мавжуд молиявий тизимга муробаҳа ва музорабани жорий этиш учун бир қанча қийинчиликлар мавжуд. Жумладан, қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш, шариат талабларига мувофиқ молиявий маҳсулотлар яратиш ва жамоатчиликка исломий молия тўғрисида етарлича маълумот бериш зарур. Ўзбекистонда муробаҳа ва музорабани кенг қўллаш орқали молия бозорида фойсиз молиялаштириш усулларига бўлган талабни ошириш ва янги инвестиция имкониятларини яратиш мумкин. Исломий молиянинг ушбу хизматларини жорий этиш мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда исломий молия хизматларини жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Исломий молия хизматларини кўрсатишга имконият берувчи меъёрий-ҳуқуқий асослар яратишга ҳаракат қилиняпти. Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва



микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонунда микромолия ташкилотлари исломий молия хизматларини кўрсатишга рухсат берувчи ўзгартиришлар киритилди (Қонун, 2022). Ушбу қонуннинг 4-моддасида микромолия ташкилотлари исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга ҳақли. Исламий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади, деб ёзилган. Микромолия ташкилотларига исломий молия хизматларни кўрсатишга рухсат берувчи қонун 2022 йилда қабул қилинган бўлса ҳалигача бундай микромолия ташкилотлари шаклланмади. Бунга сабаб қонун ости меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кечикди.

Ўзбекистоннинг айрим тижорат банклари, хусусан, «Агробанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Микрокредитбанк», «Ипак йўли» банки, Турон банки ва бошқалар Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси молиялаштириш линиялари орқали муробаҳа хизматларини кўрсатмоқда. «Трастбанк»нинг Trast Muamalat шуъба корхонаси ҳам муробаҳа хизматларини тақдим этмоқда. Аммо мамлакатимиз молия муассасалари музораба хизматини кўрсатмаяптилар. Бунга сабаб, биринчидан, мамлакатимизда исломий молия хизматларини кўрсатиш учун тўлақонли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилмаган, иккинчидан, музораба муробаҳа ва ижарага нисбатан rischi юқоридир. Бироқ, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда ислом молиясидаги музораба воситасини кенг жорий қилиш лозим.

Муробаҳа ва музораба мамлакатимизда анъанавий молия муассасаларининг хизматларига муқобил молиявий хизматлар яратиш ва фойзсиз молиялаштириш усулларини оммалаштиришиб, аҳоли ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар очади



ва уларнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини оширади. Бунинг учун ушбу исломий молия хизматлари ҳақида жамоатчиликнинг молиявий саводхонлигини ошириш лозим. Шунингдек, унинг афзалликлари ҳақида кенг оммага маълумот бериш мамлакатимиз аҳолисига мазкур исломий молия хизматларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.

Ўзбекистонда исломий молиянинг ривожланиши учун биринчи қадам қонунчиликни шариат талабларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши керак. Бу муробаҳа ва музораба каби исломий молиявий воситаларни қонуний ҳимоя қилиш ва уларни молиявий тизимга интеграция қилишни осонлашади. Бунинг натижасида мамлакат иқтисодиётига янги сармоялар жалб қилиниши ҳамда аҳолига янги молиявий хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Мамлакатимизда муробаҳа ва музорабани самарали жорий этиш учун хорижий давлатлар, айниқса, Малайзия тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жаҳоннинг кўпчилик давлатларида ислом молиясига қизиқиш ортмоқда, бунга сабаб ислом молияси муассасалари молиявий барқарор бўлиб, ҳаттоки, инқироз даврларида ҳам уларда ривожланиш бўлди. Ислом молия муассасалари мижозлар билан рискларни бўлишади, молиявий активлари реал иқтисодиёт билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 93% ортиғи мусулмон бўлиб, улар эътиқоди туфайли ислом молияси хизматларидан фойдаланишни хоҳлайди. Ислом молияси шерикчиликка асосланган молиявий хизматларни кўрсатиши туфайли, ундан фойдаланувчилар қийин молиявий аҳволга тушиб қолмайди. Шунингдек, республикаимизда ислом молиясининг ривожланиши молия бозорида муқобил молия институтлари ва улар кўрсатадиган хизматлар вужудга келтиради.



Аҳолини камбағалликдан чиқариш ва иш билан таъминлаш учун уларга тадбиркорликни бошлашлари учун молиявий имконият яратиш мақсадида дастлаб исломий молия хизматларидан муробаҳа ва музорабани фаол жорий қилиш лозим.

Мамлакатимизда исломий молия хизматлари – муробаҳа ва музорабани жорий қилиш учун унга доир назарий билимлар ва тадқиқотларни ўрганиб, мамлакатимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни жорий қилиш бўйича услубий асослар яратиш лозим.

Аҳоли ва тадбиркорларга ислом молиясига тез кўникма ҳосил қилиш учун аввал муробаҳани, кейин эса музорабани жорий қилиш лозим.

Мамлакатимизда муробаҳани жорий этилиши савдо амалиётларини ривожланишига турки бўлади. Шунингдек, аҳолининг шахсий истеъмоли учун товарлар харидини молиялаштириб, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга кўмаклашади.

Музораба мамлакатимизда аҳоли тадбиркорлик билан шуғулланиши учун молиявий маблағлар билан таъмиглаш масаласини ҳал қилади.

Муробаҳа ва музорабани самарали жорий қилиш учун исломий молия хизматлари ҳақида жамоатчиликнинг молиявий саводхонлигини ошириш лозим. Шунингдек, унинг афзалликлари ҳақида кенг оммага маълумот бериш мамлакатимиз аҳолисига мазкур исломий молия хизматларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.

Ўзбекистонда исломий молиянинг ривожланиши учун биринчи қадам қонунчиликни шариат талабларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши керак. Бу муробаҳа ва музораба каби исломий молиявий воситаларни қонуний ҳимоя қилиш ва уларни молиявий тизимга интеграция қилишни осонлашади.



Мамлакатимизда муробаҳа ва музорабани самарали жорий этиш учун хорижий давлатлар, айниқса, Малайзия тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги 2022 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-765-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/5972411>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
3. Analysis of Islamic Financing Instruments in Uzbekistan– UNDP Survey conducted in 2020
4. Ислом молиясига кириш. Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий/Тошкент: “Azon kitoblari”, 2023.-288 б.
5. Исломий молия асослари/Е.А.Байдаулет-Тошкент:“Ўзбекистон” НМИУ 2019-432 б
6. П. Каттаев. Музораба таърифи ва татбиқ этиш кайфияти, 2019. <https://hidoyat.uz/2852>.